

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Судьялар олий кенгашининг**  
**2023 йил 10 январдаги**  
**1-сонли мажлис**  
**баённомасига илова**

**СУДЬЯЛАР ВА ХОДИМЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ, ИНТИЗОМ ВА ОДОБ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛИШИ**  
**ҲАМДА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА**  
**2023 йил учун “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

№	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Масъуллар	Муддати
<b>Суд тизимида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш соҳасида</b>				
1.	<b>Судьялар ва ходимларнинг маънавияти ва маъсулиятини ошириш</b>	1. Судьялар ва ходимларда масъулият ҳиссини ошириш мақсадида “Судьялик масъулияти ва жавобгарлик” мавзусида маърифий тадбирлар ташкил этиш; 2. Судьялар ва ходимларнинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши, вазифасини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига путур етказётган ҳолатларини ўрганиб, тегишли чора кўрилишини йўлга қўйиш.	А.Жалилов Т.Буваев Б.Сабилов М.Каландарова Х.Камолов	доимий алоҳида режага асосан

2.	<p align="center"><b>Судьялар ва ходимлар томонидан интизомсизликка йўл қўйилишининг олдини олиш</b></p>	<p>1. 2022 йилда судьялар ва ходимларнинг интизомий жавобгарликка тортилишига олиб келган ҳолатларни умумлашма таҳлил қилиш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Судьялар ва ходимларнинг интизомий жавобгарликка тортилишини йўл қўйиб бўлмайдиган, ўта салбий ҳолат деб қараш ва ҳар бир ҳолатнинг судьялар иштирокидаги муҳокамасини йўлга қўйиш;</p> <p>3. Судьялар ва ходимларнинг хатти-ҳаракатига нисбатан ўтказиладиган хизмат текширувлари сабаб ва асосларининг доимий таҳлилин юритиш;</p> <p>4. Судьялар ва ходимларга нисбатан хусусий ажрим чиқарилишига асос бўлаётган ҳолатларни таҳлил қилиб боришни йўлга қўйиш.</p>	<p>А.Жалилов Т.Буваев О.Мирзамахмудов В.Файзуллаев И.Хакимов</p>	<p>2023 йил февраль</p> <p align="center">доимий</p>
3.	<p align="center"><b>Судьялар одоби кодекси талаблари бузилишининг олдини олиш</b></p>	<p>1. 2021 ва 2022 йилда судьялар ва ходимлар томонидан одоб-ахлоқ қоидалари бузилган барча ҳолатлар таҳлилин муҳокама қилиш;</p> <p>2. Одоб кодекси талабларига сўзсиз риоя этилишини жамоатчилик асосида ташкил этилган Судьялар одоб комиссиялари томонидан назорат қилинишини йўлга қўйиш;</p> <p>3. Судьялар ва ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари билан “судьялик шаъни ва қадр-қиммати”ни сақлашдаги биргаликдаги мажбуриятларини тушунтиришга қаратилган суҳбатлар ташкил этиш.</p>	<p>Т.Буваев Н.Бобохонова Б.Сабиров М.Каландарова С.Каримов</p>	<p>2023 йил март</p>

4.	<b>Суд тизимида коррупцияга йўл қўйилишининг барвақт олдини олиш</b>	<p>1. 2022 йилда суд ходимлари томонидан маълум ишни ҳал қилишни ваъда қилиб, пул олганлик ҳолатларининг юзага келиши сабабларини барча судьялар эътиборига етказиш;</p> <p>2. Судлардаги ҳар қандай коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни ўрганиш ва тегишли чора кўриш;</p> <p>3. Коррупциянинг олдини олиш бўйича профилактика тадбирларини самарали ташкил этиш мақсадида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- судьялар билан алоҳида профилактик суҳбатлар ўтказиш;</li> <li>- “Пушаймон” фильмини қайта намойиш қилиш;</li> <li>- коррупцион омилларни баратарф этиш бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган суд раисларининг масъуллигини ошириш.</li> </ul>	<p>А.Жалилов Т.Буваев В.Файзуллаев Х.Камолов И.Хакимов С.Каримов</p>	<p>2023 йил февраль</p> <p>доимий</p> <p>алоҳида режа асосида</p>
5.	<b>Судьянинг коррупцияга мойиллигини аниқлашнинг механизмларини яратиш</b>	<p>1. Судья молиявий ҳолати (катта кредит карзи борлиги, уй-жойга мухтожлиги) бўйича коррупцияга мойиллик келиб чиққан-чиқмаганлигини ўрганиш мақсадида мониторинглар ўтказиш;</p> <p>2. Жисмоний ва юридик шахслардан келадиган коррупциявий ҳолатлар ҳақидаги мурожаатлар асосида ўрганишлар ўтказиш;</p>	<p>А.Жалилов Т.Буваев О.Мирзамахмудов В.Файзуллаев И.Хакимов</p>	<p>доимий</p>
6.	<b>Суд аппарати ходимлари одил судловни амалга ошириш жараёнидаги коррупциявий</b>	<p>1. Суд аппарати ходимлари томонидан ўз касбий фаолиятларини амалга оширишда одил</p>	<p>Т.Буваев Х.Камолов О.Мирзамахмудов</p>	<p>март-апрель</p>

	<b>ҳолатларга йўл қўйилишига кескин чоралар кўриш</b>	судловга қарши ҳаракатларни амалга оширишига йўл қўйиш ҳолатларини ўрганиш; 2. Суд аппарати ходимлари томонидан содир этиладиган жиноий қилмиш - “пора олиш” жиноятининг салбий оқибати ва суд ҳокимиятининг обрўйига путур етказувчи ҳолат сифатида психологик-маърифий тадбирлар ташкил этиш;	Б.Сабиров В.Файзуллаев	
7.	<b>Компетентлик рейтинги асосида объектив механизмларни яратиш</b>	1. Судьяларнинг профессионал фаолияти кўрсаткичларига қараб рағбатлантириш ва юқори лавозимларга тайинлаш тизимини йўлга қўйиш; 2. Юқори инстанция суди томонидан суд ҳужжатлари бекор бўлаётган судьялар фаолиятини тизимга лаёқатлилиги (жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги салбий муносабат, хусусий ажримлар, интизомий жавобгарликка тортилганлик, ижтимоий сўровлар ўтказиш) нуқтаи назаридан ўрганиш;	А.Жалилов Н.Бобохонова Т.Буваев М.Каландарова С.Каримов В.Файзуллаев	доимий
8.	<b>Ҳалол ва бағараз суд корпусини шакллантиришга қаратилган амалий чораларни кўриш</b>	1. Судьяларнинг одил суловни амалга оширишдаги ва ходимларининг хизмат вазифларини бажаришдаги фаолияти давомида муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун ҳақ (пора) таклиф қилганлиги тўғрисида хабар берганликлари учун тегишли тартибда рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш;	А.Жалилов Т.Буваев И.Хакимов О.Мирзамахмудов В.Файзуллаев	июнь

9.	<p><b>Судьялар олий мактабида таҳсил олаётган номзодлар ёки малака ошираётган судьяларни коррупцияни олдини олиш, коррупцияга оид жиноятларни судда кўриш кўриш, унинг келиб чиқиш омиллари ва сабабларини бартараф этиш йўналишидаги таъсирчан ўқув дастурларини шакллантириш</b></p>	<p>1. Коррупцияга курашиш агентлиги билан ҳамкорликда суд тизимида коррупцияга олиб келувчи ҳолатларни барвақт аниқлаб, тегишли чора-тадбирлар белгилашнинг методологик усулларини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Суд тизимида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида касбий муаммоларни ва янги усулларни ўзлаштиришга қаратилган малака ошириш курсларини ташкил этиш.</p>	<p>А.Жалилов Т.Буваев Н.Бобохонова М.Каландарова Х.Камолов О.Мирзамахмудов Б.Сабиоров</p>	<p>июль</p> <p>алоҳида ўқув дастурлари асосида йил давомида</p>
10.	<p><b>Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш орқали тизимда коррупцияни олдини олиш</b></p>	<p>1. Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида турли тоифадаги ишларни кўриш муддати, қарор қабул қилиш асослари, шикоят қилиш тартиби ҳақида қўлланмалар ишлаб чиқиш ва тарғибот қилиш;</p> <p>2. Олий суд билан ҳамкорликда турли хил тоифадаги фуқаролар энг кўп дуч келадиган низолар юзасидан маърифий роликлар тайёрлаш.</p>	<p>А.Жалилов Т.Буваев М.Каландарова Х.Камолов И.Хакимов О.Мирзамахмудов Б.Сабиоров В.Файзуллаев</p>	<p>июнь</p> <p>алоҳида режа асосида</p>
<p><b>Номзодларни касбга тайёрлаш, судьяларнинг малакаси ва касбий кўникмасини ошириш борасидаги вазифалар</b></p>				

11.	<p><b>Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган судьяларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ кўникмаларини шакллантириш</b></p>	<p>1. Илк бор судьялик лавозимига тайинланган судьяларни тажрибали судьяга бириктириш, “Устоз – шогирд” анъаналарига риоя қилиш ҳолатини таҳлилий ўрганиш;</p> <p>2. Илк бор тайинланган судьяларни сўров ўтказиш орқали амалиётда дуч келайтган муаммоларни ўрганиш орқали тегишли чоратadbирларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>Н.Бобохонова Х.Камолов М.Каландарова В.Файзуллаев С.Каримов</p>	<p>алоҳида режа асосида</p>
12.	<p><b>Судьялар олий мактабининг судьяликка номзодларни ўқитиш, фаолияти қониқарсиз ва ёмон баҳоланган судьяларнинг касбий малакасини ошириш фаолиятини яхшилаш чораларини кўриш.</b></p>	<p>1. Судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар малакасини ошириш курсларида ўқитиш сифатини ўрганиш;</p> <p>2. Судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар малакасини ошириш юзасидан халқаро тажрибани ўрганиш ва ижобий тажрибани миллий қонунчиликка ҳамда амалиётга татбиқ этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;</p> <p>3. Судьяликка номзодлар орасида таълим сифатида юзасидан сўров ўтказиш, уларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш орқали тайёрлаш босқичига янги методологияларни жорий этиш.</p>	<p>Н.Бобохонова М.Каландарова Б.Сабилов В.Файзуллаев С.Каримов</p>	<p>июль</p> <p>март</p> <p>июнь</p>
13.	<p><b>Кафедралар фаолияти, ўқув дастурлари, ўқув-методик қўлланмалар мавжудлиги ҳамда сифатини ўрганиш</b></p>	<p>1. Хорижий тажриба, илғор ҳуқуқий илм-фан ютуқлари, суд амалиёти ва ҳуқуқни қўллаш фаолияти талабларига асосланган ҳолда судьяликка номзодларни тайёрлаш курсида ўқув дастури лойиҳасини тайёрлаш;</p>	<p>Н.Бобохонова М.Каландарова Б.Сабилов</p>	<p>июль</p>

		2. Назарий (академик) билимларни ва амалий стажировкаларни бир-биридан ажратиш тизимидан воз кечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш.		
--	--	---	--	--